

Ўзбекистон География жамияти ва QazaqGeography Миллий География жамияти ўртасидаги ҳамкорлик

Ўзбекистон География жамияти Қозоғистон географлари билан узок тарихи ва мустақкам пойдеворга эга ижодий алоқаларни ривожлантирмокда.

Профессорлар А.С.Солиев, М.Маматқулов, Ҳ.Вахабов, А.Н.Нигматов узок йиллар мобайнида Фаробий номидаги Қозоғистон Миллий университети ва Қозоғистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги География институти қошидаги география фанлари бўйича илмий даражалар берувчи Кенгашларнинг аъзолари бўлганлар. Шунингдек, уларнинг ишида илмий маслаҳатчи ва расмий оппонентлар сифатида иштирок этганлар.

Ўзбекистон географлари Қозоғистондаги илмий-амалий конференцияларда мунтазам иштирок этадилар, Ўзбекистон География жамияти томонидан ташкил этилган конференцияларда эса кўшни мамлакатдаги ҳамкасбларимиз доимо қатнашиб келадилар.



Астанада QazaqGeography Миллий География жамиятининг ташкилий съезида Ўзбекистон География жамияти раиси, профессор А.С.Солиевнинг маърузаси (2010 й.)

Қозоғистонлик географлар тадқиқот натижаларини “Ўзбекистон География жамияти ахбороти” журналида нашр этадилар. Ўзбек географлари, ўз навбатида, илмий ишларини Қозоғистонда чоп этиладиган “Вестник КазНУ. Серия географическая”, “Вопросы географии и геоэкологии” журналларида нашр этадилар.

Ўзбекистон География жамияти ва QazaqGeography Миллий География жамияти ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган. 2018 йил май ойида бир гуруҳ қозоғистонлик тадқиқотчилар гуруҳи QazaqGeography жамиятининг махсус лойиҳаси доирасида ташкил этилган Орол денгизига уюштирилган йирик халқаро илмий экспедицияда иштирок этдилар ҳамда Ўзбекистоннинг бутун дунёга танилган тарихий шаҳарлари – Самарқанд, Бухоро ва Хивага ташриф буюрганлар.